

Доклад на заседание коллегии Госкомстата по итогам 2014 г.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2014 йил 11 мартдаги мажлиси баёнининг топшириқлари ва ушбу баён билан тасдиқланган “Давлат статистика органларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашда инсон аралашуви омилини ва салбий оқибатларни камайтириш мақсадида, ушбу жараёнларга интерактив давлат хизматларини жорий этиш самарадорлигини янада ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси” да белгиланган вазифаларнинг ижроси ва бу борада амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ҳурматли Ботир Эшбоевич!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилнинг январ ойида бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузаларида таъкидланган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 11 мартда Давлат статистика, солиқ ва божхона қўмиталари раҳбарларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашда инсон аралашуви омилини ва салбий оқибатларни камайтириш мақсадида, ушбу жараёнларга интерактив давлат хизматларини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги йуналишларда ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, интерактив давлат хизматларини ривожлантириш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилди.

Ушбу йуналишда Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтнинг мобил версияси m.stat.uz ва имконияти чекланган шахслар учун сайт версияси ишлаб чиқилди, статистик кўрсаткичларни визуал кўриниши бўйича анимацион диаграммалар жорий этилди.

Корея Республикаси тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари ўрганиб чиқилди.

Бугунги кунда, кўрсатилаётган **14** та хизматдан, **10** таси интерактив режимда <http://www.stat.uz> расмий веб-сайти орқали тақдим этилмоқда.

Шу билан бирга, Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтнинг янги кўриниши ишлаб чиқилди. 2014 йилнинг 20 январидида қўмита томонидан “Ўзбекистон гендер статистикаси” таҳлилий ахборотлаштирилган тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Ушбу тизим фойдаланувчилар учун интернет тармоғининг www.gender.stat.uz сайти орқали тақдим этилмоқда.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг тўғридан-тўғри Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига мурожатини ташкил этиш учун расмий веб-сайтда “Мурожатлар қабули” бўлимида «Виртуал қабулхона» бўлими яратилди.

Статистик кузатувларни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш бўйича услубий низомлар ва қўлланмалар жамлаш ва уларни сақлашни таъминлаш мақсадида, ҳамда мавжуд интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш учун, услубий материалларнинг электрон кутубхонаси «E-stat Library» ишлаб чиқилди.

Давлат статистика қўмитаси Марказий аппаратининг тегишли бошқармалари томонидан онлайн тўлов имконияти билан «Фойдаланувчиларнинг бир марталик талабларига мувофиқ статистик ахборотлар тақдим этиш» интерактив давлат хизматини жорий этиш бўйича тегишли ишлар амалга ошириш бўйича Техник топшириқ ишлаб чиқилди.

Фойдаланувчиларнинг статистик материал ва интерактив хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш мақсадида, 14 та ҳудудий статистика бошқармалари расмий веб-сайтлари ишлаб чиқилди ва кенг омма эътиборига хавола қилинди.

Ҳудудий статистика бошқармаларининг расмий веб-сайтларининг функционаллиги Давлат статистика қўмитаси томонидан 2014 йил 30 апрелдаги №31-сон буйруғига асосан тасдиқланган Ҳудудий статистика бошқармалари ва Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар Маркази расмий веб-сайтлари Низомига мувофиқ тартибга солиб борилади.

Шу боис, ҳудудий статистика бошқармалари ўзларининг расмий веб-сайтларини ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги №355-сон “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлан-тириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқлаштириш бўйича керакли бўлган барча чораларни кўришлари лозим.

Иккинчидан, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этилишини кенгайтириш бўйича муҳим йўналиш белгилаб олди ва у бўйича ишлар амалга оширилди.

Ушбу йўналишда Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши билан биргаликда жойларда тадбиркорлик субъектларини электрон ҳисобот топшириш бўйича кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Ҳисобот даврида Республика бўйича **36 601** нафар тадбиркорлик субъектлари иштирокида **1 240** та ўқув семинарлари ташкил этилди.

Бугунги кунда “eStat 2.0” автоматлаштирилган ахборот тизимида барча статистик ҳисобот шакллари электрон кўринишда тақдим этиш имконияти мавжуд.

Давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этишнинг жорий ҳолати таҳлили куйидаги кўринишни ташкил этди.

Жорий йилда электрон кўринишда ҳисобот топширганларнинг улуши ўтган йилга нисбатан **88,6%**дан **98,4%**га ўсди.

Шу ўринда, ҳудудий статистика бошқармаларининг тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ишлари етарлича олиб борилмаётганлиги кузатилмоқда. Мисол учун, Тошкент вилоятида 2-Xizmat Shakliga Ilova (чораклик) ҳисобот шакли бўйича жами **17** ташкилотдан фақатгина **7** таси электрон кўринишда тақдим этилган ва **41,2** %ни, ҳамда 4-ta'lim (ОТ) (йиллик) ҳисобот шакли бўйича – **66,7** %ни ташкил этди (**3** ташкилотдан **2** таси).

Шунингдек, 4-ta'lim (ОТ) (йиллик) ҳисобот шаклини электрон кўринишда тақдим этган улуши бўйича Қорақалпоғистон Республикасида - **88,9** %ни, Тошкент шаҳрида - **97,4** %ни ташкил этди. Қолган вилоятларда ушбу ҳисобот шаклини электрон кўринишда тақдим этилиши **100** %ни ташкил этиши кузатилмоқда.

Наманган вилоятида 2-рахта shakliga ilova (йиллик) ҳисобот шакли бўйича **2** та ташкилотдан фақатгина **1** таси ҳисобот шаклини электрон кўринишда тақдим этган.

1-S shakliga ilova (йилда 2 марта) ҳисобот шаклини электрон кўринишда тақдим этганлар ичида Навоий вилояти энг кам улушни, яъни **61,5%** ни ташкил этган.

Хурматли Ботир Эшбоевич, 2014 йилда 1-КВ shakli (йиллик) ҳисобот шакли бўйича тадбиркорлик субъектларининг **79,8** %и электрон кўринишда ҳисобот тақдим этган.

Давлат статистика қўмитаси мутахассислари томонидан ушбу йўналишдаги ташкилотларда электрон рақамли имзо (ЭРИ) мавжудлиги бўйича тахлилий ишлар олиб борилди. Натижада, **177** мингта микрофирма ва кичик корхоналардан **68** мингтасида ЭРИ мавжуд эмаслиги аниқланди. Улардан қарийб **5** мингтаси янги ташкил этилган корхоналардир.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг 1-КВ shakli (йиллик) электрон ҳисобот қамровининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ҳудудий статистика органлари томонидан юқоридаги ташкилотлар ҳисобот шакллари электрон кўринишда тақдим этилиши бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

Учинчидан, идоралараро ҳамкорлик ҳамда маълумотлар алмашинуви жараёнини автоматлаштиришни ривожлантириш ва уларни бошқа вазирликлар ва идоралар билан интеграциялаш бўйича куйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси ўртасида ахборот алмашинув жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу боис, зарур иш режалари, тасдиқланган ахборот алмашинув регламентлари ишлаб чиқилди.

Тўртинчидан, Давлат статистика қўмитаси ахборот тизимини мунтазам фаолият юритишини таъминлаш.

Ҳозирги вақтда статистика органлари замонавий компьютер техникалари (**2800** донадан зиёд), сервер ускуналари (**42** дона сервер), алоқа воситалари, периферия ускуналари, лицензион дастурий таъминотлар билан жиҳозланган. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва ҳудудий статистик бошқармаларида керакли талабларга ва шартларга жавоб берувчи маълумотларни қайта ишлаш Марказлари ишлаб келмоқда. Барча ҳудудий статистика органлари корпоратив тармоғи «Ўзбектелеком» акцидорлик компаниясининг «БРМ» филиалининг маълумотлар узатиш канали асосида боғланган.

2014 йилнинг 1 чорагида Давлат статистика қўмитаси тизимини **150** дона компьютер техникаси ва **50** дона периферия қурилмалари билан қайта жиҳозланди. Шунингдек, Давлат статистика қўмитасининг сервер жиҳозларини узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида тармоқ ускуналари ва дизель генератор қурилмаси ўрнатилди. Шу билан бирга, сервер қурулмаларини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудий статистика органларида мавжуд бўлган ҳисоблаш техникаларини янгилаш бўйича режа-жадвали тасдиқланган. Ушбу режа-жадвалда жами **791** дона компьютер техникасини босқичма-босқич янгилаш кўзда тутилган. Ҳозирги кунгача ҳудудий бошқармалар томонидан **241** дона ва улар учун Давлат статистика қўмитаси томонидан **132** дона персонал компьютерлар харид қилинди.

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг дунё миқёсидаги статистикага оид маълумотлар билан танишишни яхшилаш ҳамда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонини ошириш мақсадида Интернет тармоғига уланиш тезлиги **1 Мб/сдан 2 Мб/сга** оширилди.

Худудий статистика бошқармаларига оптик толали алоқани ўтказиш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси корпоратив тармоғини модернизация қилиш, маълумотлар алмашинуви тезлигини ошириш ҳамда FTTb технологияси асосида телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Эркин тарқалувчи дастурий таъминот асосида видеомулоқот тизими, Қўмита ва худудий статистика органлари ўртасида ўрнатилди.

Бешинчидан, статистика органлари ходимларининг АКТ соҳасида малакасини ошириш.

Ходимларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер саводхонлиги бўйича 2014 йилда **366** нафар ходим “Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар марказида” малака оширди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартдаги №73-сон қарорига асосан, статистика органларининг **295** нафар ходими ТАТУ махсус малака ошириш курсида таълим олишди. Худудий статистика бошқармаларининг **1086** нафар ходими компьютер саводхонлигининг минимал босқич талабларига асосланган аттестациядан мувофақиятли ўтди.

Шунингдек, марказий аппаратнинг 5 нафар ходим «Visual Studio» дастурида ишлаш бўйича ва 2 нафар ходим Windows Server 2008да муҳаррирлик асослари бўйича ўқув курсларида малака оширдилар.

Олтинчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Статистика органи тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2014 йил 1 сентябрь ҳолатига “Давлат статистика қўмитасининг ахборот хавфсизлиги сиёсати” ички идоравий ҳужжати қайтадан ишлаб чиқилди.

“Давлат статистика қўмитасининг ахборот хавфсизлиги сиёсати” ички идоравий ҳужжат асосида 15 та қўшимча ҳужжат ишлаб чиқилган ва тизимда ижро учун тадбиқ этилди. Юқоридаги ички идоравий ҳужжатларни худудий статистика бошқармалар ва кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар марказидаги ижроси бўйича уларда ҳисоботлар олинди. Ҳисоботлар бошқарма ходимлари томонидан таҳлил қилиниб бир қатор камчиликлар аниқланди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Ахборот хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан керакли тавсиялар ишлаб чиқилган ва худудий бошқармаларга январ ойида жўнатилади.

Худудий статистика органларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш уларнинг бошлиқларининг зиммасига юклатилган.

Хурматли Ботир Эшбоевич!

Жорий йилда расмий сайт ва интерактив хизматларни такомиллаштириш ишларини давом эттирмақ лозим.

Сайтнинг янги функционал имкониятларини ва транзакцион хизмат турларини жорий этиш статистика органларини фойдаланувчилар билан ўзаро алоқасини яна бир поғонага кўтариш имкониятини беради.

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ҳам муҳим бўлган вазифалардан биридир.

Давлат статистика органлари олдига 2020 йилга қадар давлат органларини йиғма статистик ахборот билан таъминловчи “Давлат бошқаруви” комплекс ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифаси қўйилган.

Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш учун қуйидаги асосий 4 босқич аниқланган:

1 босқич. (амалга ошириш муддати 2015 й.)

Агрегат кўрсаткичлар рўйхати аниқлаш.

Агрегат кўрсаткичлар маълумотлар омборини яратиш.

2 босқич. (амалга ошириш муддати 2015-2016 йй.)

Статистик ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнларини ҳам автоматлаштириш.

Оперативлик, самарадорлик, қайта ишлаш сифатини оширишга, таҳлил қилиш ва статистик ахборотларни тақдим қилишга йўналтирилган, 2014-2016 йиллар учун статистик маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини модернизация қилиш Концепцияси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (2014 йил 19 апрелдан 2-сон билан Давлат статистика қўмитасининг Коллегияси томонидан маъқулланган).

3 босқич. (амалга ошириш муддати 2016-2017 йй)

Қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи статистик ахборотларни таҳлил қилувчи тизимни яратиш:

-бирламчи статистик маълумотлар асосида агрегат статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш;

-агрегатларни йиғиш ва сақлаш;

-статистика соҳалари ва йўналишлари асосида таҳлилий жадваллар шакллантириш;

4 босқич. (амалга ошириш муддати 2018-2020 йй)

“Давлат бошқаруви” комплекс ахборот тизимини ишлаб чиқиш.

Хурматли Ботир Эшбоевич маърузам якунида қайд қилиб ўтмоқчиман олдимишга қўйилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун мен маъсул бошқарамалар билан бирга барча имкониятларни ишга соламиш.

Давлат статистика қўмитаси буйруқлари билан белгиланган барча тадбирлар Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят статистика бошқармаларида тўлиқ бажарилган. Қолган статистика бошқармаларида ҳамда Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида кўзда тутилган барча тадбирлар қисман бажарилган. Улар орасида, яъни Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё статистика бошқармаларида тадбирларнинг кўпини бажармаган.

Олинган маълумотларни таҳлиliga кўра, “номақбул сайтларга чиқишни таъқиқлаш”, “фойдаланувчиларни парол ҳимояси усуллари бўйича ўқитиш” тадбирлари 5 та статистика бошқармаларида, “Парол ҳимоясини жорий этиш” тадриби 7 та статистика бошқармаларида ҳамда Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида бажарилган.

Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё статистика бошқармаларида “оптик қурилмаларни ўчириш”, “USB-портларини ўчириш”, “оптик ва электрон ахборот ташувчи қурилмалари ҳисобга олиш” тадбирлари бажарилмаган.

Йўл қўйилган камчиликлар ҳудудий статистика бошқармаларининг раҳбарлари ахборот ҳавфсизлиги масалаларига суст ёндошишганлигини кўрсатиб турибди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бажарилмаган битта тадбир ахборотлар муҳофаза мажмуасидаги бошқа тадбирларнинг самарадорлигини камайишига олиб келади. Бу камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги туфайли ахборот ҳавфсизлиги билан боғлиқ ҳолатларни келтириб чиқариш эҳтимолини ташкил этади.